Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 6 июнь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 40 (7037)

Da'vat

Кишида ақл қанча етишмаса, унда шунча такаббурлик бор.

А. Поп

Ibrat

Турақурғон туманидаги 48-мактабга қатаган маҳалласида яшовчи фаол, тадбиркор ота-оналардан Н. Солиев, А. Аҳмадалиев, А. Асқаров, Б. Мурашев, А. Болтабоевлар ташриф буюришди. Улар жамоага ўқув хоналарини, анжомларини сифатли таъмирлашда, илм маскани ичкарисини замон талабларига жавоб берадиган даражада жиҳозлашда, умуман мактаб биносини янги ўқув йилига шай қилиб қўйишда моддий жиҳатдан кўмаклашажакларини билдирдилар.

Mùnosabat

ТАРАҚҚИЁТ ИСЛОҲОТЛАР УЙҒУНЛИГИДА ЮКСАЛАДИ

Мамлакатимизда ислоҳотларнинг барча соҳаларда баб-баравар олиб борилаётганлиги мантиқан ўйлаб қаралганда жамият ривожланишидаги мувозанатни, маромни таъминлаш учун хизмат қилмоқда. Уларнинг бирор-бир жиҳати сустлашгудек бўлса сўзсиз бошқасига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Айниқса, ҳар бир ҳудуд, вилоят, туман ва жамоа хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини улардаги мавжуд ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларнинг салоҳияти белгилаётган айни замонда бу ўзаро боғлиқликни янада яққол илғамоқдамиз.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессиясида гап асосан иқтисодий ислоҳотлар хусусида бўлди. Бироқ мамлакатимиз раҳбари ушбу сессияда сўзлаган нутқида юқорида таъкидлаганимиздек, ислоҳотлар боғлиқлиги, уларнинг мутаносиб келмаслиги оқибатларини аниқ мисоллар, рақамлар асосида баён этди. Жумладан, **«Бюджетга ундирилмаган боқимандалик қарзлар миқдори 1998 йил 1 январда 6,2 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 1998 йил 1 апрелда бу кўрсатгич 8 миллиард 74 миллион сўмни ташкил этди. Мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг йўл қўйган камчилиги бутун вилоят халқ хўжалигини орқага тортишга сабаб бўлмоқда.**

Бюджет кўрсатмалари ва даромадлари бажарилмаса, ойлик-маош ҳисобидан яшаётган ўқитувчилар, шифокорлар маъмурий ташкилотларнинг ходимлари каби хизматчиларнинг иш ҳақи нима ҳисобидан тўланади?

Вилоят молия ташкилотлари ва солиқ идоралари раҳбарлари бу саволга қандай жавоб беради», деди Президент. Рўзғорини ўқитувчилик билан тебратиб келаётган муаллим ойлаб маошини олмаса, натижада оиласидан кўнгли тўқ бўлмаса ундан қандай қилиб кўнгилдагидек сабоқ кутиш мумкин? Устига устак айрим жойларда ҳали-ҳануз 60-йилларда гувалакдан барпо этилган мактабларда хавф остида дарс бериш ёки ўқиш билан ҳозирда таълим-тарбия соҳасига юкланаётган вазифаларни орқалаб бўлармикан?

Даъвомиз қуруқ бўлмаслиги учун бир далил келтирамиз. Газетамизнинг 1994 йил 16 ноябрь сонида «Мададталаб мактублар» рукни остида «Қатнайвериб чарчадик» деб номланган шикоят хатини бергандик. Унда Қарши туманидаги «Истиқбол» жамоа хўжалигидаги 43-мактабнинг 1961 йилда қурилганлиги, ҳозирга келиб эса бино умуман яроқсиз аҳволда эканлиги баён этилганди. Яқинда таҳририятимизга ушбу мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари жамоаси номидан яна бир шикоят мактуби келиб тушди. Бунисининг мазмуни ҳам биринчисидан фарқ қилмасада, ундаги ваҳиманинг, ҳаяжоннинг бироз ошганлиги вазиятнинг янада кескинлашганлигидан дарак берарди.

Ушбу мактуб боис ҳақиқий манзара билан танишиш мақсадида 43-мактабга борган мухбирларимизнинг айтишича, ўтган салкам тўрт йил бадалида (бинонинг яроқлилик даражаси янада камайганлигини ҳисобга олмаганда) у ерда заррача ҳам ўзгариш бўлмабди. Бундан саккиз йил муқаддам айнан шу мактаб учун мўлжаллаб қурилиши бошланган бино ўша даврдаги чалалигича ётибди. Очиғини айтсак, бу аҳволдан биз ҳам ҳижолат бўлдик. Гўёки ўқитувчилар, ўқувчилар «матбуот сўзининг таъсири шу бўлдими, қани бу ерда ҳақиқат» дея бизни изза қилаётгандек туюлаверди. Орадан шунча вақт ўтиб, яна шу муаммо билан борган мухбирларимизга таълимнинг бошида турган раҳбарлардан бирининг «Мактабни ким қуриб беради, ёзса ўзўзидан қурилиб қолармиди?», дейиши юз чандон ошиб тушди. Мана сизга муаммога раҳбарнинг муносабати.

Шу ўринда бир талай саволлар туғилади. Наҳотки 43-мактабнинг аҳволи ҳеч кимга аён бўлмаган, маълум бўлса нега айнан шундайин нобоп мактаблар учун янги бинолар қуришни кўзда тутган қишлоқ инфраструктурасини яхшилаш бўйича давлат Дастурига киритилмади? Бу саволларга Президент томонидан сессияда ўртага ташланган қуйидаги саволларга «Йўқ!», дея жавоб бериш билан жавоб берсак тўғри бўларди: **«Мактабларда аҳвол қандай? Муаллимларнинг дардини ўйлайдиган, фарзандлар тақдири учун қайғурадиган раҳбарлар борми?».**

Ҳозирда республикамизда таълим-тарбияга мамлакатимиз келажаги тақдирини ҳал этувчи соҳа сифатида қаралмоқда. Ўз олдига етук, билимдон, малакали мутахассисларни, касб-ҳунар соҳибларини тайёрлашни мақсад қилиб қўйган «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» изчил амалга оширилмоқда. Шундайин бир улкан ўзгаришлар даврида ўз ҳудудидаги биргина мактабда оддий шарт-шароит яратишни уддалай олмаётган жамоа хўжаликлари бор экан кўзланган мақсадлар, эзгу ниятлар эски тўндаги янги ямоқ сифатида қолиб кетаверади.

А. ЭРНАЗАРОВ

Hay'at yig'ilishida

БОЛАМИЗНИНГ БЎШ ВАҚТИ

Бўлиб ўтган сунгги сессияда бола тарбиясидаги бўшлиқ ва бу бўшлиқдан кимлардир фойдаланиб, уларни ёмон йўлларга бошқарганлиги афсус билан тилга олинди. Хўш, бу бўшлиқни нима тўлдиради? Болани қандай машғулотлар ўзига жалб эта олади?

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат йиғилишида кўрилган «Хоразм вилояти Халқ таълими муассасаларида ёшларни халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари руҳида тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳақида»ги масалада шу муаммолар жиддий таҳлилга тортилди.

Ҳайъат йиғилишида вилоятда амалга оширилган ижобий ишлар таъкидланиб, асосий эътибор камчилик ва муаммоларга қаратилди. Масалан, Хива ва Янгиариқ туман мактабларининг айрим синфларида «Одоб ва ахлоқ асослари» фани ўқитилмаган. Бунинг зарари эса ҳаммага маълум. Дўстлик шаҳри, Қўшкўпир, Шовот, Хонқа, Гурлан, Янгиариқ туман ХТБларининг «Маҳалла» хайрия жамғармалари билан ҳамкорлиги талаб даражасида эмас. Ёки Янгиариқ, Урганч, Қўшкўпир, Хазорасп, Боғот туманлари мактаблари, шунингдек вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёт уйи, техниклар ижодиёт маркази, вилоят табиатшунослар ва экологик таълим марказининг тўгарак машғулотларида ўқувчиларнинг давомати паст. Сабаб, машғулотлар қизиқарли эмас. Маҳалла ва турар жойларда болалар спорт майдончалари, сув ҳавзалари қурилишига эътибор йўқ. Кутубхоналар бадиий адабиёт билан таъминланмаганлиги боис, ўқувчиларнинг кўпчилиги унга аъзо эмас.

Ўқувчиларнинг 50 фоизи диний экстремизм ва фундаментализмга оид саволларга ёзма жавоб бера олмаганлар.

Юқорида саналган камчиликларнинг аксарияти боланинг бўш вақти қандай ўтишидан далолат беради. Бўшлиқ мана шу ерда — маҳаллада эътибор йўқ, тўгарак қизиқарли эмас, спорт майдончаси йўқ, кутубхонада китоб йўқ, газета ўқишмайди...

Булар сессияда таъкидланган, бола ҳаётида бўшлиқ пайдо қиладиган сабаблардир. Ҳайъат йиғилишида, вилоят таълим тизими мутасаддиларига улар билан бирга ишлайдиган «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» марказлари билан алоқа ўрнатиш, шартномалар тузиш вазифалари топширилди.

Бундан бошқа вилоят ХТБ раҳбарлари ҳам тегишли хулоса чиқариб олишлари лозим. Ахир, таътил бошланди. Болангиз қаерда, нима иш билан машғул? Ўйнаб кулишига, ҳаётни ўрганишига, ёмон йўлларга кириб кетмаслигига кафолат борми? Дам олиш масканининг барчаси ишлаяптими? Ҳайъат мажлиси ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ҳайъат мажлисини Ўзбекистон халқ таълими вазири, ҳайъат раиси Жўра Йўлдошев бошқарди.

Х. ОМОНОВ

Dolzarb mavzu

ЎҚУВ РЕЖАСИ ЯНА МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Шуниси диққатга сазоворки, миллий Дастур эълон қилингандан кейин таълим соҳасида ўнга яқин ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар яратилди. Табиийки, ўқув режаси ва дастурлари ҳам ана шу ҳужжатларга монанд бўлиши, яъни унда талаб ва таклифлар, илмий асосланган фикрлар акс этиши зарур ва шарт. Агар режа ва дастур яратишда мутахассис ўз эски қарашлари ҳимоясида тураверса, олимлар илмий асосланмаган қарашларини тиқиштираверишса, ўқувчи ва ўқитувчилар кутаётган режа ва дастур миллий Дастурда белгилаб берилган таълим тамойилларига унчалик мос бўлмай қолади. Шу йилнинг 2 июнь куни Халқ таълими вазирлигининг катта залида ўтказилган тажриба таянч ўқув режасининг навбатдаги муҳокамасида ана шу фикрларга алоҳида урғу берилди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев кириш сўзи билан очди ва олиб борди. Вазирнинг биринчи муовини Йўлдош Саиджонов яратилаётган таянч ўқув режаси ҳақида батафсил гапирди. Ў ўқув режасининг амалдагиси ва янгисини, яъни барча умумтаълим мактабларининг (қайси тилда ўқиш олиб борилишидан қатъий назар) 1-9-синфлари учун 1997-98 ва 2000 йилгача мўлжалланган таянч ўқув режаси ҳамда умумий ўрта таълим мактабларининг таянч ўқув режаси (лойиҳа)ни бир-бирига қиёслади. Нотиқ кўпроқ янги таянч ўқув режаси ҳақида таҳлилий сўз юритди. Узоқни кўзлаб тузилаётган режадаги янгилик ва ўзгаришларни бирма-бир баён этди. Ўқув фанларига ажратиладиган соатлар миқдорига қисман тўхталди. Шунингдек, хорижий тил (рус тили), тарих, география, давлат ва ҳуқуқ асослари, информатика, одобнома, меҳнат таълими ва касбга йўллаш фанлари бўйича ҳам тушунчалар берди.

Барибир, муҳокама жараёнида фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик асослари, жисмоний тарбия, тасвирий санъат, мусиқа фанлари муаммолари юзасидан қатор таклифлар айтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти Шавкат Қурбонов иштирок этиб, яратилаётган ўқув режаси бўйича баъзи бир мулоҳазаларини ўртага ташлади. Чунончи, янги таянч ўқув режасининг аввалгисидан фарқи нималарда акс этган. Нега, мактаб ихтиёридаги соатлар 27 соатдан 17 соат (1-3-синфларда умуман йўқ)гача қисқариб кетган. Унда мактаб мустақиллиги қисилиб қолмайдими? Меҳнат таълими ва касб тушунчаларига ажратилган соатлар бўйича стандарт яратса бўладими?..

Ҳар муҳокамада таклиф ва мулоҳазалар билдириляпти, саволлар туғилаяпти. Нега? Гап шундаки, ўқув режаси — масъулияти улкан ҳужжат. Унга мослаб дастурлар, дарсликлар яратилади. Албатта, жараёнда ўғил-қизларнинг ёши, тушунчаларни қабул қилиш қобилияти инобатга олинади, соғлиғи муҳофазаланади. Сирасини айтганда, Халқ таълими вазирлигида илмий асосланган ўқув режасини яратиш бўйича кеча-кундуз самарали меҳнат қилиняпти. Муҳими, мукаммал ўқув режаси вазирликнинг ҳайъат мажлисида ҳам муҳокама қилинади, сўнгра матбуотда эълон қилинади.

Йиғилишда умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқув дастурларини яратиш бўйича ишчи гуруҳи раҳбарларининг ҳисоботи ҳам тингланди. Она тили ва адабиёти, рус тили, давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари бўйича муайян ишлар қилингани қайд этилди. Йиғилиш сўнггида бошланган ишларни жадаллаштириш, вазифаларни белгиланган муддатда бажариш, тажриба майдонларини аниқлаш, муаллифлар гуруҳи меҳнатига яраша ҳақ тўлаш каби масалалар юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

РЕЙТИНГ — МУНТАЗАМ НАЗОРАТ
2-бет

МАКТАБ ВА МИЛЛИЙ ЭСТРАДА
4-бет

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Ш. Р. Бегматов Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 июнь куни МДҲга аъзо мамлакатлар ички ишлар вазирлари Кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси иштирокчиларини қабул қилди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «1998 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш масалалари тўғрисида» қарор қабул қилди.**

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.**
- **Япония ҳукумати томонидан Қирғизистонга ажратиладиган 50 минг АҚШ доллари миқдорида инсонпарварлик ёрдами республиканинг жанубий вилоятида юз берган кучли сув тошқини асоратларини бартараф этишга сарфланади.**
- **Ҳиндистонга ядро синовлари ўтказганлиги учун қўлланилаётган иқтисодий жазо чоралари бу ерда бензин, тамаки ва айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хизмат кўрсатиш нархларининг ошишига сабаб бўлди.**
- **Женевада иш бошлаган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 89-бош конференциясида меҳнаткашларнинг асосий ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисидаги декларация ҳамда болаларни оғир ишларга жалб қилишни таъқиқлаш бўйича конвенция муҳокама қилинмоқда.**

Yangilik

«МУРАББИЙ» САОДАТГА ИНТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим тарбия ва кадрлар тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги фармонини рўёбга чиқариш мақсадида Тошкент шаҳар ёш ўқитувчилари ва мураббийларининг «Мураббий» деб номланган кўнгиллилар уюшмаси тузилган эди. Республика Таълим Маркази иқтисодий таълим бўлими бошлиғи, ушбу уюшма раиси Феруза Собирова билан суҳбатимиз ана шу уюшма фаолияти ҳақида бўлди.

— Феруза опа, уюшманинг фаолияти тўғрисида қисқача маълумот берсангиз.

— Уюшмамиз, аввало, ёш ўқитувчиларнинг педагогик жамоага мослашувларини тезлаштириш усулларини шакллантиради. Уларнинг малакасини ошириш ва билимларини ривожлантириб бориш мақсадида маркетинг, менежмент, бошқарув, ижтимоий психология ва социологиядан махсус курсларни ташкил қилишга ёрдамлашади. Янги педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш юзасидан ўқув услубий тавсияларни, тўпламларни нашр эттириб тарқатиш ва ёш мутахассисларнинг илмий, бадиий ижод маҳсулотларини тўплаб, умумлаштириб, ҳаётга тадбиқ қилишларида ҳам муҳим омил бўлади. Демоқчиманки, ёш ўқитувчи ва мураббийларимизни чет элларга тажриба алмашиш учун юбориш имконига ҳам эга бўламиз.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, «Мураббий» эзгу ниятлар билан тузилган. Ушбу уюшма ўз фаолияти давомида таълим соҳасидаги ва кадрлар тизимидаги муаммоларни ҳал қилишга, ислоҳотларни жадаллаштиришга хизмат қилади, — деб ишонамиз.

Фахриддин ТУРДИАЛИ ўғли суҳбатлашди

МИМ

ХАБАРЛАРИ

ҒАЛАБА НАШИДАСИ

Яқинда Иштихон тумани ХТБ ташаббуси билан ўқувчилар ўртасида туман спартакиадаси бўлиб ўтди.

Айниқса, қўл тўпи бўйича ўтган мусобақалар қизғин ва ҳаяжонга бой бўлди. Унинг финал босқичида 42 ва 45-мактабларнинг спортчи ўқувчилари учрашиб, 42-ўрта мактаб ўқувчилари ғолиб чиқишди.

А. БАҚОЕВ

BARCHA XUSHNUD BO'LGAN KUN

Poytaxtimizdagi A. Navoiy nomidagi Milliy bog' Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni bayramida yanada gavjum bo'ldi. Yosh doirachilar, raqqosalar, maqomchilar, naqqoshlik va o'ymakorlik ko'rgazmalari barchaga ma'qul tushdi. A. Rahmatbekovning naqqoshlik san'ati namunalari, T. Abdullayev, A. Abdurahmonovlarning o'ymakorlik bezaklari ko'pchilikning diqqatini tortdi.

O. SA'DULLAYEVA

QARDOSHLAR MEHMONGA KELISHDI

Qirg'izistonning Olabuqa hamda Namangan viloyatining Kosonsoy tumanlari azaldan do'stona aloqalar qilishadi. Yaqinda qirg'izistonliklar Kosonsoyga tashrif buyurishdi. Ular Ayritom qishlog'idagi gimnaziya maktabi vakillari bo'lib, Kosonsoydagi Sh. Otaqulov nomli maktabni borib ko'rdilar.

A. HAYDAROV

OILA MUQADDAS MAKON

Shahrimizning Yunusobod tumaniga qarashli 83-o'rta maktabda «Oila ostonadan boshlanadi» mavzuida mushoira o'tkazildi. Unda maktabning 10 va 11-sinf o'quvchilari, maktab ma'ritat va ma'naviyat bo'limi boshlig'i M. Sapaevalar ishtirok etishdi.

G. NISHONBOYEVA

ХАБАРЛАРИ

Yangicha usul

РЕЙТИНГ — МУНТАЗАМ НАЗОРАТ

Республикамиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларида жаҳон андозасига мос ва сифат кўрсаткичлари халқаро мезон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилмоқда. Ҳозирги вақтда ўқув жараёнида тест синовларининг қўлланилиши ва рейтинг тизимининг жорий этилиши талабаларнинг ақлий имкониятларини доимий равишда ўстиришга олиб келмоқда.

Ўқув машғулотларини замон талаблари даражасида ташкил этиш талабаларнинг дарс мавзулари юзасидан олган билимларини кенгайтириш, мустаҳкамлаш, талабаларда мустақиллик, жавобгарлик, ўз-ўзини текшириш, умуман, уларда билимга, ўқиш-ўрганишга, мустақил ишлашга қизиқиш уйғотиш, изланувчанлик, топқирлик, берилган вазифа ва топшириқларни бажаришда ижодий ва онгли ёндашиб ўзлаштиришларига эришиш мумкин.

Дарс ва амалий машғулот жараёнида талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолашда кенг қамровли жамланма суров усулидан фойдаланилса, талабаларнинг билим даражаси ҳаққоний баҳоланади. Бунда жорий (одатий ёки кундалик) назоратда талаба ўзлаштирган мавзу бўйича бир неча марта жавоб беришига, яъни тест саволлари (назарий), қисқа муддатли ёзма ишлар, уйга вазифа, оғзаки савол-жавоб, мустақил ишлар бажаришига тўғри келади. Жамланма суровда мутахассис-ўқитувчи назорат турини унинг самарадорлигига қараб мустақил танлаши керак.

Фан бўйича амалий қўникмалар даражасини аниқлаш учун бир ёки кўп босқичли оралиқ (чегаравий) назорат ишларини ёзма ёинки оғзаки тарзда бир неча мавзу ва бўлимлар бўйича ўтказиш мумкин.

Ўқув жараёни якунида талабаларнинг назарий ва амалий билимларини аниқлаш учун якуний тест назорати иши ўтказилади. Талабалар билим даражаси жорий, оралиқ ва якуний назорат баллари асосида умумий баҳоланади. Ижобий баҳо олиш учун эса юқори балл йиғиши керак.

Ўзлаштирилмаган мавзуларни ўрганишда ўқитувчи томонидан талабанинг билимини аниқлаш учун оғзаки савол-жавоб ўтказиши ёинки тест топшириқлари асосида текшириш ёки реферат, албом, кўргазмали ўқув қуроллари тайёрлаш вазифаларини бериши мумкин (бу тадбирлар дарсдан ташқари вақтда амалга оширилиши лозим).

Ўқув машғулотларида қўлланиладиган топшириқлар турли хил бўлиб, улар талабаларнинг мустақил ишлаш ва фикр юритиш, изланиш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш каби малакаларни ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Рейтинг тизимини қўллаш талабаларнинг билим даражасини баҳолашда тасодифий ҳолатларни камайтиради.

Муҳиддин БОЛИЕВ,
Самарқанд таянч тиббиёт билим юрти услубчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси,

Ибодат КАЛОНОВА,
шу билим юрти бўлим бошлиғи, олий тоифали ўқитувчи

Ta'kid

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Республикамиз учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш таълим масканларида олиб борилаётган таълим-тарбияга, касбий маҳоратга ва мактабларимизнинг фан-техника ютуқлари билан таъминланганлигига боғлиқ. Шу ўринда кўпчиликнинг эътиборидан четда қоладиган, бир қарашда шарт эмасдек туюладиган муаммо ҳам борки, бу — педагогик жамоалардаги соғлом муҳит, шахс камолоти, унинг ақлий имконияти, берилаётган малакаларнинг ўқувчи ёшига мос ёки мос эмаслигини ўрганиш, тадқиқ этиш масаласидир. Бу муаммолар билан шуғулланувчи шахслар жумласига кирувчи психолог-мутахассисларига ҳам эҳтиёж сезилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис ҳам, психолог кадрларга нисбатан эҳтиёжни ҳисобга олиб, республикамиздаги университетларда, шу жумладан Термиз Давлат университетида ҳам психологлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда.

Маълумки, Сурхондарё вилояти мактабларида психолог кадрлар етишмовчилиги бошқа ҳудудларга қараганда 2-3 баравар юқори, Лекин нимагадир вилоятимиз мактабларида психологик хизмат кўрсатиш ишлари мазмунли равишда амалга оширилмаётир. Ваҳоланки, республикада Халқ таълими вазирлигининг махсус қарорига биноан, ҳамма мактабларда психологик хизмат 1994 йилдан ўз фаолиятини бошлаган булса, бизнинг вилоятда эса 1997—1998 ўқув йилидан бошлаб йўлга қўйилди. Аммо бу ташкил этилган психологик хизмат ҳам саноқли мактаблардагина мавжуд. Биз мутахассис сифатида бунинг сабабини вилоят ва туман халқ таълими бўлими мутасадди раҳбарларидан сураганимизда, улар кадрлар етишмаслигини рўкач қилиб кўрсатишди. Бироқ, биз бу соҳанинг яхши йўлга қўйилмаганлигини кадрлар масаласи билан боғлиқ эмас, деб ўйлаймиз.

Ахир мамлакатимизнинг бошқа жойларида психолог кадрлар тайёрлаш муаммолари сифатли ечилаяпти-ку! Ўйлаб қоласан, нега бизнинг вилоятимизда бунинг имконияти йўқ? Фикримизча, бизда ҳам бу муаммони ижобий ҳал этадиган тажрибали ўқитувчилар, олимлар етарли. Бунинг учун эса фақатгина вилоят халқ таълими раҳбарлари, бизга «Марказ» кадр тайёрлаб беради, деган тушунчадан ҳоли бўлиши лозим, холос.

Айниқса, бу соҳадаги чигалликлардан яна бири, вилоят мактабларида фаолият кўрсатаётган психологларнинг кўпчилиги махсус психологик маълумотларга эга эмаслигидир. Кузатишимизча, фаолият кўрсатаётган мактаб психологларини ички имкониятлардан келиб чиқиб дастлабки психологик билимлар билан таништириш мумкин. Бизнингча, бу ишларни амалга ошириш учун вилоят халқ таълими бошқармаси қошида мактаб психологлари фаолиятини уюштиришга ёрдам берадиган ўқув курсларини ташкил этиш зарур. Қолаверса, ўзаро ҳамкорлик яратилса, Термиз Давлат университети олимлари ҳам бу ишда четда қараб турмайди. Шунингдек, мазкур муаммони ижобий ечиш хусусида кафедрамиз ҳам маълум тажриба ва тавсияга эга.

Хуллас, психологик хизмат бугунги кун талабидир. Давр талабидан ортда қолишлик эса ҳаётдан, тараққиётдан ортда қолишга олиб келади. Буни эса вилоятимиз халқ таълими раҳбарлари тўғри англаб етишлари лозим.

Б. УМАРОВ,
Термиз Давлат университети психология кафедрасининг мудири, психология фанлари номзоди, доцент

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Халқаро ахборот бошқармалари хабар қилишича, ядровий қуролларга эгалик қилувчи давлатлар вакиллари бугун Женевада учрашув ўтказишлари кутилмоқда. Дипломатларнинг маълум қилишича, АҚШ, Хитой, Русия, Британия ва Франция мутахассислари шу беш давлат Ташқи ишлари вазирлари томонидан эълон этиладиган қўшма баёнотнинг якуний матнини ишлаб чиқмоқда.

* * *

Мухбирларнинг Германиядан хабар қилишларича, мамлакатда кеча содир бўлган темир йўл фалокатида ҳалок бўлган одамлар сони 92 нафарни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари 200 га яқин одам жароҳат олган.

Прага, «Озодлик» радиостанцияси

***

Индонезия ҳукумати мамлакати қарзини пасайтиришга қаратилган дастур борасида халқаро банклар билан келишувга эришди. Индонезиянинг хорижий қарзи 70 миллиард доллар миқдоридадир.

* * *

Шимолий Афғонистонда ер ости силкинишлари давом этмоқда. Бу эса ёрдамга муҳтож бўлган минглаб одамга фавқулодда ёрдамни етказиб беришга тўсиқ бўлмоқда.

Лондон, «ВВС» ўзбек хизмати

Taklif

«МАЪРИФАТ ГУЛХАНИ» ЯРАТИЛСА...

1997 йил ёз ойлари. «Янгийўл» сиҳатгоҳи. У ерда ногоҳон профессор Зиёвуддин ака билан учрашиб қолдим. У киши ёнида турган одам билан таништирди. «Фазлиддин, ТошДТУда Ўзбекистон Республикаси тарихи кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори, профессор».

Кейинчалик Зиёвуддин ака Фазлиддин аканинг тақдири билан боғлиқ бўлган воқеани сўзлаб бердилар.

1953 йил. Зиёвуддин ака Москва университетининг аспирантурасида таҳсил олмоқда. Бир зарурат билан Ўзбекистоннинг Москвадаги ваколатхонасига боради. Ўша ерда бир ёш йигит билан суҳбатлашади. Тошкентлик йигит Москва университетига кириш ниятида бултур келган экан. Кириш имтиҳонларидан ўта олмаган. Лекин ўқиш ниятидан қайтмаган. Шаҳарда қолиб темир йўлда ишлайди. Бу йил ваколатхонадан нажот истаб келган. Ўша йили кириш имтиҳонларини ўтказишда МДУ аспирантлари ҳам жалб қилинди, шу сабабдан Зиёвуддин ака географиядан кириш имтиҳонини олишда қатнашди. Ниҳоят кириш имтиҳонлари бошланди. Биринчи имтиҳон география, имтиҳон олиш хонасига икки рус қизи ва бир ўзбек йигити киришди. Саволлар қоғози олинди. Бахтли тасодиф, Зиёфуддин аканинг рўпарасидаги Фазлиддин эди. Икки қиз имтиҳонни юқори баҳога топширди. Навбат тошкентлик йигитга келди. Жавоб қониқарли бўлмади. У рус тилини бўш билар эди. Фазлиддин имтиҳонда ўзбек тилида жавоб қайтаришга домладан рухсат сўради. Шунда Зиёвуддин ака: «Укажон, географиядан нимани билсанг, шуни дадил гапир, фақат тўхтама, тутилма, овозингни баландроқ қил, чунки олдинги топширганлар билишингга ва баҳога ишонишсин» деди.

Ҳамма саволларга Фазлиддин ака бийрон, тўлиқ жавоб қилди. Жавобини охиригача кутмасдан имтиҳончи «беш» баҳо қўйди. Фазлиддин ака шундай қилиб студент бўлди. Домла билан шогирд, иноқлашиб қолди. Биринчи суҳбатлардан маълум бўлдики, Фазлиддин рус тили кириш имтиҳонидан «уч» баҳо олган экан. Шу боисдан стипендия берилмас экан. Тирикчилик учун яна эски жойга — темир йўлга ишга кирди. Зиёвуддин ака имконият борича моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб турди. Фазлиддин 2-босқичга ўтиш имтиҳонларини «беш» баҳоларга топширди. Оширилган стипендия олувчи талабалар қаторига қўшилди. Имтиёзли диплом билан юртига қайтди.

Фазлиддинда ирода кучли эди. Тиришқоқлик, ўз ниятига эришиш учун ҳаракат қилди, оғир дамларни ўтказди, лекин ор-номус, эътиқод кучли эди. Оқибат кўнгилдагидек бўлди. Кичкина қоқилишдан тушкунликка тушмади, танлаган йўлдан орқага қайтмади, ўзини ҳар жабҳага ташлаш, енгилтакликни хаёлига ҳам келтирмаслик, енгил ҳаёт ҳақида ўйламаслик, ҳар доим ижобий натижаларга олиб келди. Инсонда яхши хислатга ҳаёт, турмуш сўқмоқларидан илм-фандан фойдаланиб ўта олганлар эга бўлади. Халқ орасида обрў, ҳурмат, иззат ва эҳтиром топади. Ҳозир Зиёвуддин ва Фазлиддин акалар ана шундай даражага эришдилар. Иккаласи ҳам фан доктори. Катта ёшда бўлишса ҳам улар ёшларга билим етказишни давом эттирмоқдалар. Улар билан суҳбат қурар экансиз, дилингиз яйрайди, руҳингиз кўтарилади.

Сиҳатгоҳда Зиёвуддин ака, Фазлиддин ака атрофи доимо даволанувчилар билан гавжум бўларди. Уларнинг суҳбатларини мароқ билан тингларидилар, савол-жавоб ўтказардилар. Оқибат даволанувчилар соғлиқларини тиклаш жараёнида маънавият соҳасида ҳам бойлик орттирдилар. Ўшанда менда шундай фикр туғилди. Сиҳатгоҳларда маданий тадбирлар режасини тузганда даволанувчилар орасидаги катта билим эгалари билан учрашувлар ҳам назарда тутилса, фойдали бўлар эди. Худога шукр, ўлкамизда етук олимларимиз етарли. Бу тадбирга фахрийларимиз жалб қилинса. Билим, илмий ютуқлар қанча кенг қулоч ёзаркан, унинг нафи бениҳоядир, айниқса маънавий тарбия борасида.

Истардимки, «Маърифат гулхани» деган жамият яратилса, унинг аъзолари қилиб маънавиятимиз гулханлари: машҳур олимлар, ёзувчилар саломатлик оромгоҳларида, дам олиш уйларида маълум дастур асосида тадбирлар амалга оширсалар.

Қ. ҚОРАБОЕВ

ЎЙНАБ-ЎЙНАБ ЎРГАНАМИЗ

Пойтахтнинг Миробод туманидаги Индира Ганди номли тиқувчилар маданият саройида туман мактабгача тарбия муассасаларининг ўзбек тили фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда таълим-тарбия бошқа тилларда олиб бориладиган мактабгача тарбия муассасаларида Давлат тили, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» бўйича амалга оширилаётган тадбирлар намойиш этилди.

Анжуманда болалар боғчаларининг тайёрлов ҳамда катта гуруҳларида тарбияланаётган 120 нафар дилбандлар фаол иштирок этдилар. Улар «Менинг Ватаним», «Менинг оилам», «Мен ёқтирган эртак қаҳрамони» сингари саҳна кўринишларини намойиш этдилар. Айниқса, «Севимли боғчам» мавзуидаги жажжи ҳикоячаларни гулғунчалар ўзбек тилида бурро-бурро, аниқ талаффуз этдилар. Шунингдек, шеър, қўшиқ ва шўх рақслари билан анжуман қатнашчиларини хушнуд этишди.

Ўзбек тили фестивалида 32, 389, 398, 482, 506-болалар боғчалари туман ғолиблари бўлди. Мазкур тадбирни ўтказишда туман «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ҳамда туман ҳокимияти, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳомийлик қилдилар. Фестивал қатнашчиларига эсдалик совғалари топширилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова, ТШХТББ, ТШЎМОИ ҳамда туман халқ таълими бўлимларининг мактабгача тарбия бўлими мутасадди вакиллари иштирок этдилар.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Ta'lim fidoiylari

БУГУННИНГ ДИРЕКТОРИ

Риштон туманидаги А. Авлоний номли мактаб Фарғона вилоятида ҳам таниқли билим масканларидан ҳисобланади. Унда Жаҳонобод қишлоғи меҳнаткашларининг 744 нафар фарзанди таълим-тарбия олмоқда. Мактабнинг яхшигина ўқув биноси ва моддий-техник базаси мавжуд. Тумандаги кўпгина тадбирлар шу ерда ўтказилиб, илғор тажрибалар оммалаштирилмоқда. Бу ерга таянч мактаби номи берилиб, рейтинг усули биринчи бўлиб шу ерда қўлланилди. Бошқа билим даргоҳларидан эса келиб иш ўрганиб кетишмоқда. Мактабнинг ушбу муваффақиятларида директор Мусожон Норматовнинг ташкилотчилиги, билим ва тажрибаси муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Мусожон шу қишлоқда туғилиб ўсди. Урта маълумотни ҳам шу ерда олди. 1967-71 йилларда Қўқон нефть техникумида таҳсил кўрди. 1972 йилдан мактаб-маориф соҳасида ишлай бошлади. Дастлаб котиб, ҳарбий таълим муаллими бўлиб ишлади. Шу давр ичида у Фарғона педагогика институти (ҳозирги ФДУ) нинг рус тили ва адабиёти факультетида сиртдан ўқиб, олий маълумотли бўлди. 1982 йили Мусожон Норматов мактаб директори лавозимига тайинланди. 1984-85 йилларда 720 ўринли янги бино қурилишига бош-қош бўлди. Бу билан эса ўқув машғулотларининг бир сменада ўтказилишига эришилди. Мактаб тўлиқ табиий газ билан фойдаланишга ўтди. Мактабда 1984 йилдан буён фан гуруҳлари ҳисоботи ўн кунлиги ўтказилиб, ўқитувчиларнинг дарс ўтишлари, ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари таҳлил этиб келинмоқда. Ана шунга қараб ўқувчилар табақаларга ажратилган синфларда ўқитилаётир. 1994-95 ўқув йилида ушбу тажриба мактабнинг 2-синф ўқувчиларида синаб кўрилди. 1997 йилнинг январидан мактабнинг 5-11-синфларида 17 нафар ўқитувчи томонидан танлаб олинган она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, математика, Узбекистон тарихи, физика, кимё, ЭҲМ фанларидан ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп баллик системаси рейтинг усулида иш олиб борилмоқда. Бу усул тумандаги барча мактабларда ҳам оммалаштирилмоқда. Мусожон Норматов таълим-тарбия ишларини ривожлантириш учун муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Мактаб ўқувчилари туман, вилоят, республика, Урта Осиё миқёсида спортнинг миллий кураш тури бўйича мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Спортнинг мазкур тури бўйича 14 дан ортиқ спорт устаси етишиб чиққан. Фан соҳасида ҳам ўқувчилар олимпиадаларда, кўрик-танловларда яхши қатнашиб келмоқдалар. Мактаб директорининг туман, вилоят ва республика газета-журналларида ўнлаб мақолалари чоп этилган. У фаол жамоатчи сифатида ҳам кўпчиликка яхши таниш. 1991 йилдан буён Риштон туман халқ таълими бўлими кенгашининг аъзоси ва туман мактаблари директорларининг шўъба раҳбаридир.

У раҳбарлик қилаётган жамоа «Йил мактаби» танловининг бир неча бор ғолиби. Қатор фахрий ёрлиқлар ва «Халқ таълими аълочиси» нишони Мусожон Норматовнинг меҳнат йўлини безаб турибди. Мактаб молия хўжалигини бошқариш ҳозирги пайтда анча қийин. Директор буни яхши тушунади. Шу боис мактабда сартарошлик, этикдўзлик, радио ва телевизор тузатиш устахоналари ташкил этилган бўлиб, уларда пулли хизмат кўрсатилмоқда. 1991 йилдан буён жамоа хўжалигидан 4 гектар ер олиниб, пахта экилаяпти. Бу билан 40-50 минг сўм даромад ҳам олинмоқда. Ишлаб топилаётган маблағлар мактабни моддий шароитларини яхшилашга, ўқувчи-ўқитувчиларни рағбатлантиришга ва таъмир ишларига сарфланмоқда. Бунда, албатта, мактаб директорининг ҳиссаси каттадир.

Маҳмуджон ЖЎРАЕВ,
Риштон тумани, «Риштон ҳақиқати» газетасининг ходими,
Раҳмонали ЮНУСОВ,
Риштон тумани ХТБ услубхона мудири

ИЖОДИЙ МЕҲНАТ САМАРАЛАРИ

Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги иқтидорли ўқувчи-ёшлар илмий-техник ижодиёти маркази қошида ташкил қилинган «Картинг», «Тикувчилик», «Авиасозлик», «Фото», «Нақ-қошлик» каби тўгараклар мунтазам ишламоқда. Ю. Деликамов, Н. Ҳусайновадек фидойи ўқитувчилар меҳнати самарали бўляпти. Яқинда Картинг бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасидаги шаҳар мусобақасида ҳам ушбу марказ ўқувчиларининг 1-ўринни эгаллаганликлари бу ерда ишлар тўғри йўлга қўйилганлигидан далолатдир.

Шунингдек, 50 нафарга яқин ўқувчилар бу марказдан мутахассислик дипломларини олиб, мустақил ҳаётга йўлланма олдилар. Уларга омад ёр бўлсин!

Зилола ТУРДИАЛИЕВА,
шу марказ маърифат ва маънавият бўлими бошлиғи

Yil tarbiyachisi

ОМАД ЁР БЎЛСИН

Термиз шаҳридаги ўқувчилар саройида «Йил тарбиячиси» вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда Денов туманидаги 21-»Дилдора» боғча-мактаб тарбиячиси Шарофат Шарипова I, Термиз шаҳридаги «Камалак» болалар боғчаси тарбиячиси Ғулбаҳор Раҳматова II ўринни олдилар.

«Миллий қадриятларимиз билан таништириш» мавзуида ўтказилган очиқ машғулотни намунали ўтказган Ш. Шарипова тест саволларига ҳам аниқ жавоб берди, кўрик-танловнинг барча шартларини тўлиқ бажарди.

Шарофат, аввало, ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб боради. У 1992 йилдан буён беғубор қалбларга таълим-тарбия бериб келаяпти. Хушмуомала, эпчил, чаққон. Ўз касбини севади. Ҳозирги кунда «Риёзиётда ўйин мавзуси» асосида иш олиб бораяпти. Ш. Шарипова «Йил тарбияси-96» шаҳар кўрик-танловида 2-ўринни эгаллаган эди.

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди, — дейди Шарофат Шарипова, — ҳар бир тарбияланувчиси билимдон, ақлли, уддабурон бўлмоғи лозим. Мен таълим-тарбия ишларида кўпроқ ҳаётдан олинган тажрибаларни қўллайман.

Ҳа, «Йил тарбиячиси — 98» республика кўрик-танлови ҳам Сизга шараф олиб келсин, Шарофат!

Д. ХЎЖАЕВА

Yangi turdagi o'quv muassasalarida

НОЗИК ҚАЛБЛАР КАМОЛИ ЙЎЛИДА

Ҳар бир ота-она ўз нуридийдасининг соғлом, бақувват, билимдон, ўқувли, маънавиятли инсон бўлиб вояга етишини дил-дилдан истайди. Ана шу юксак тилакка эришмоқ учун эса фарзандлари билан ҳамкорликда ўзлари ҳам имкон қадар интиладилар, ҳаракат қиладилар.

Мактабгача тарбия ва бошланғич таълим муассасамизнинг изланувчан, аҳил жамоаси мурғак қалбларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари учун дастлабки замин илк бор боғчада, сўнгра эса бошланғич таълим орқали берилишини ҳис этган ҳолда, машғулот ва сабоқларни ранг-баранг, дилбандларни қизиқтирадиган тарзда уюштирмоқдалар. Болажонларнинг мантиқий фикрлаш, кузатиш қобилиятлари ва ижодий тасаввурларини ривожлантириш ҳамда нутқни ўстиришга алоҳида эътибор бериляпти.

Муассасамизда илк ёшдаги ва боғча ёшидаги 5 та гуруҳда 80 нафар, бешта бошланғич синфларда эса 105 нафар ўғил-қиз таълим ва тарбия олмоқда. Жажжи кичкинтойларни илк ёшданоқ мактабга тайёрлаяпмиз. 1994—95 ўқув йилидан 1-синф ташкил этилиб, масканимиз мактабгача тарбия ва бошланғич таълим муассасасига айланди. Ўша йили таҳсил ола бошлаган ўқувчилар ҳозир 4-синфда ўқишаётир.

Муассасадаги таълим-тарбия математикага йўналтирилган. Шунингдек, кичкинтойларга хорижий тиллардан инглиз тили ўргатиляпти. Тажрибали муаллима Роҳатой Азимова машғулотларни қизиқарли олиб бормоқда. Ширинтойлар ўзларининг исмлари, ҳайвонларнинг номлари, йил фасллари ҳамда улар ҳақида шеърлар ўрганишяпти.

Ҳозирги даврни компьютерсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Компьютер хонасида 15 та компьютер мавжуд. Болажонларимиз Равзахон Бобохонова раҳзиев бошчилигида сузишни ўрганиб, соғликларини янада мустаҳкамлаётирлар. Шунингдек, В. Ғозиев миллий кураш тўгарагини ҳам бошқаради. У тўгарак аъзоларига курашнинг ўзига хос сирларини тушунтираётир.

Масканимиз гулғунчаларига санъат ҳақидаги илк тушунча сингдириляпти. Бу ерда «Булбулча» дастаси фаолият кўрсатаётир. Жамоамизнинг барча аъзолари ҳам дастанинг фаол иштирокчиларидир. Қобилиятли мусиқа раҳбари Иноятхон Ғозиева дастага бошчилик қилади, ўзи шеър ёзиб, куй басталайди.

Болалар масканида ўз вазифасига сидқидилдан ёндашаётган олий тоифали ўқитувчи Маъмурахон Жабборова, Адашхон Расулова, Зарифа Йигиталиева сингари меҳри дарё муаллимлар, Муқаддасхон Исмоилова, Зуҳрахон Пўлатова, Ҳафизахон Ғофурова каби дилбандлар қалбига йўл топувчи мураббий ва энагаларимиздан ота-оналар беҳад мамнунлар. Муассаса Усмон Носир номидаги 44-мактаб билан ҳамкорликда иш юритмоқда. Ўтган йили барча қулайликларга эга бўлган 2 та гимназия синфи учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Таълим маскани қошида «Булбулча» кичик корхонаси 1992 йилдан бери фаолият кўрсатаётир. Унда тикув цехи, тегирмон, қорамолчилик, аёллар сартарошхонаси, ошхона ишлаб турибди. 1989 йилда ташкил этилган иссиқхонада лимон етиштириляпти. Бир гектардан ортиқ боғда турли хил мевалар парвариш қилинаяпти. Дилбандлар эҳтиёжидан ортган маҳсулотлар қуритилади, ортиқчаси эса сотилади. Шунингдек, темир-бетон тўсиқлар ишлаб чиқарадиган цех очилди. Тўсиқларни йўлка чеккаларига, теварак-атрофларга ишлатдик. Эндиликда эса атрофимиздаги мактабларга сотяпмиз. Муассасамизга Наманган вино заводига қарашли жўжа тайёрлаш пункти (бошлиғи Мансуржон Маматов) икки йилдан буён ҳомийлик қилаётир. Ўтган йили таъмир ишлари учун ажратилган 45 минг сўм маблағ болалар учун ёзги дам олиш айвончалари, 20 кишилик 6 та темирдан соябон қуришга сарфланди.

Мактабгача тарбия ва бошланғич таълим муассасаси ўз ҳисоб рақамига эга. Ундаги маблағдан тўлиқ фойдаланамиз. Жумладан, гимназия синфи ўқувчилари учун форма тикиб берилди. Боқувчисини йўқотган 3 та оилага ва кам таъминланган оилаларга ёрдам берилди.

Китоб — билим манбаи. Шундай экан, фарзандларимизни ниҳоллигидаёқ китоб билан дўстлашиш, унга қизиқтириш, ошно қилиш ҳар бир тарбиячи, ўқитувчи, қолаверса ота-оналарнинг муҳим вазифаларидандир. Бу борада муассасамиз ўз кутубхонаси, нурхонасига эга. Унда 500 дан ортиқ китоб бор. Тарбиячи ва муаллимлар машғулот ва дарсларни жонли ўтишда ундан фойдаланишмоқда.

Бугунги кунда жамоамиз болажонлар камоли йўлида ана шундай тадбиркорлик билан иш юритаётир.

Санобархон АЗИМОВА,
Норин туманидаги 10-«Булбулча» мактабгача тарбия ва бошланғич таълим муассасаси директори

Boshlang'ich ta'lim

Низомий номидаги ТДПУ ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ва қуйи синф ўқувчилари оғзаки нутқини ўстириш ҳамда тилларни ўргатиш» муаммолари лабораториясида фундаментал тадқиқотлар олиб бораётган етук мутахассислар узлуксиз таълимнинг бошланғич бўғини юзасидан янгича педагогик тафаккур асосида фаолият кўрсатишяпти. Изланишлар икки йўналишда: боғча болалари ва 1-синф ўқувчилари оғзаки нутқини ўстириш ҳамда боғча болалари ва 1-синф ўқувчиларига тилларни ўргатиш бўйича олиб борилмоқда.

Биринчи йўналиш бўйича изланишлар, асосан болаларнинг оғзаки нутқини ўстириш ва тўғри талаффуз кўникмаларини шакллантиришга қаратилган. Лаборатория ходимлари томонидан яратилиб, ўтган йили «Ўқитувчи» нашриётига топширилган «Боғча тарбияланувчилари ва биринчи синф ўқувчилари нутқини ўстириш» номли қўлланма-мажмуа айни муаммо юзасидан олиб борилган ижодий изланишлар самарасидир.

Иккинчи йўналиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар русийзабон гуруҳларда давлат тилини ўргатиш муаммосига бағишланган. Лабораториянинг етакчи илмий ходими, педагогика фанлари номзоди Феруза Қодирова томонидан тайёрланган «Мактабгача ёшдаги русийзабон болаларни ўзбекча сўзлашишга ўргатиш» дастури ва шу асосда яратилган методик қўлланманинг эълон қилиниши ва халқ таълимининг бошланғич бўғинидаги бўшлиқни тўлдиришга баҳоли қудрат хизмат қилади. Ушбу лаборатория мудири, филология фанлари доктори, профессор Мазлума Асқарова билан лабораторияда ислоҳотлар жараёни қандай кечаётганлиги хусусида суҳбатда бўлдик.

РАВОН НУТҚ, ТЕРАН ФИКР

— «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» да бошланғич таълимнинг замон талабларига мос бўлиши, хорижий тилларни эгаллаш, ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникма ва малакаларини ўстириш, халқ таълимининг турли босқичларида узлуксиз таълим тизимини жорий этиш каби қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган. Қонунга асосланиб ижодий жамоамиз қуйидаги масалалар юзасидан тадқиқотлар олиб боришни режалаштирган.

Мактабгача тарбия муассасаларининг барча гуруҳларида оғзаки нутқ ўстириш тизимини ишлаб чиқиш ва уни бошланғич мактабларнинг биринчи синфларида давом эттириш юзасидан тавсиялар яратиш.

Шунингдек, мактабгача тарбия муассасаларининг русийзабон гуруҳларида давлат тилини ўргатиш бўйича дастур ва методикалар мажмуини қайта кўриб чиқиш, янгилаш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар яратиш. Буларни амалга ошириш узлуксиз таълим тизимининг бошланғич босқичини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Таълим ислоҳоти ўқув тизими ва услубидаги тажрибада синовларда ўтган мақбул жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда жиддий ўзгартишлар киритишни ҳам тақозо этади. Дифференциялашган дастурларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш табақалаштириб ўқитишни назарда тутади. Шу пайтгача мактаб ўқитувчилари ва методист олимлар табақалаштириб ўқитишга турлича муносабатда бўлиб келдилар. Аксарият кўпчилик бу хилда ўқитиш ўқувчилар ўртасига рахна солади, аълочилар билан ўртача ёки паст баҳога ўқийдиган болалар орасига совуқлик туширади, ўқишдан кўнгил совутади, ўзаро ишончни йўқотади, деган фикрни маъқуллайдилар, Менимча, бундай қараш Шўро давридаги ҳаммани баравараштириш мафкурасининг айнан ўзидир. Ҳар бир бола бир дунё бўлиб, билим даражаси билангина эмас, табиати, феъл-атвори билан ҳам ўзига хос ёндашишни талаб этади. Баъзи иқтидорли болалар дарсда берилган топшириқни тезда тушуниб етади ва осонгина бажаради. Ўртача ўқийдиганга ўша топшириқни ҳижжалашга тўғри келади. Ўзлаштира олмайдиганларга эса ҳижжалаш ҳам фойда бермайди. Шу маънода биз билан амалий ҳамкорлик қилаётган Тошкентдаги 118, 282, 59, Урганчдаги 18-ўрта мактаблар ҳамда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги педагогик лицейда олиб борилаётган ишлар ҳар жиҳатдан ўрганишга, оммалаштиришга лойиқдир.

Муҳтарам Президентимиз бир нутқида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида эскини авайлаб-асраш, янгисини яратиш йўлидан боришимизни маълум қилган эди.

Улуғларимиз ёшликда олинган билимни тошга ўйилган хатга қиёслашади. Болаларимизнинг оғзаки ва ёзма нутқи илк ёшларидан бошлаб шаклланади, сайқал топа боради. Буни муомала маданияти ҳам деймиз. Худди мана шу муомала маданияти таълим жараёнига асос бўлади. Мактабгача тарбия муассасалари билан бошланғич таълим, бошланғич таълим билан ўрта ва олий таълим ўртасига чегара қўйилмасдан, уларни янада жипслаштириш таълим тизимининг муваффақиятига омил бўлади деб ўйлайман. Фарзандларимизда ғурур ва келажак учун масъулият туйғусини тарбиялашимиз керак. Тарбия эса нутқ орқали амалга оширилади ва нутқда ўз ифодасини топади. Она тили ва ўқиш дарсликларига кўпроқ миллий ва маънавий қадриятларимиз тўғрисида ҳикоя қилувчи энг сара асарлар киритилишини истар эдим.

Рустам БОЙМАТОВ
суҳбатлашди

«Yil o'qituvchisi-98»

ФАРҒОНАДА ЭНГ ЯХШИ МУАЛЛИМ КИМ?

Бир неча йилдирки, Фарғона вилоятида бошланғич синф ўқитувчиларининг кўрик-танловлари уч босқичда узлуксиз ўтказиб келиняпти.

— Илғор муаллимларни саралаяпмиз, уларнинг уз устларида кўпроқ ишлашлари, ижодий изланишларига йўналиш бераяпмиз, — деди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, бошланғич таълим билимдони Турсунали Қурбонов. — Манфаатдорлик, яъни танлов ғолибларини ҳар бир босқичда қўшимча маблағлар эвазига моддий ва маънавий рағбатлантираётганимиз уларнинг фаолиятини янада оширяпти. Бу ҳаракатларимизнинг барчаси «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» асосида маънавий баркамол шахсни тарбиялаш, ўқитиш, кўп нарсага қодир ва лаёқатли инсон сифатида вояга етказиш мақсадларига қаратилган.

Вилоятда яқинда «Йил ўқитувчиси-98» кўрик-танлови ҳам якунланди. Унда Қувасой шаҳридаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Дилфуза Вафоқулова биринчи ўринни эгаллади.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

ХОРАЗМДА-ЧИ?

Хоразм вилояти ҳокимлиги залида ҳам педагог ходимларнинг «Йил ўқитувчиси-98» вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Вилоятнинг барча туманларидан келган жами 12 иштирокчи танловнинг бешта асосий шарти бўйича ўзларининг маҳоратларини намойиш этишди.

Дастлаб муаллим-ижодкорларнинг ўз фанлари бўйича қай даражада билимга эгаликларини билиш учун улардан тест олинди, ўқитиш услублари баҳоланди. Синф хонасидан саҳнага кўчган мазкур танлов иштирокчилари муаллимлик касбини шарафлаб шеъру ғазаллар ўқишди, Ватанни муқаддас саждагоҳ дея улуғлаб, унга бағишланган куй ва қўшиқлар ижро этишди. Танловнинг сўнгги шарти — эркин мавзу қисмида муаллимлар ўзларининг нималарга қодир эканликларини кўрсатишди. Улар ижро этган шух-шодон рақслар, аллалар, лапару маталлар, куй ва қўшиқларда қадим Хоразмнинг бой маданияти ва санъати бугунги авлодлар тимсолида янада ажиброқ бўй кўрсатди.

Беш соатдан ортиқроқ вақт давом этган «Йил ўқитувчиси-98» кўрик-танловининг сўнгида ғолиблар эълон қилинди. Ҳакамлар ҳайъати фикрига кўра, Боғот туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Роҳат Саидова ғолиб деб топилди. Иккинчи ўрин Хазорасп туманидаги 9-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Комила Нурметова, Питнак шаҳридаги 10-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Азиза Ҳужаева, Ургенч шаҳридаги 24-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Гулбаҳор Жабборовага, учинчи ўрин Янгиариқ туманидаги 8-мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси Хуршида Сафоева, Янгибозор туманидаги 21-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Гавҳаржон Хоннёзова ва Хива туманидаги 4-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Моможон Мадаминоваларга насиб этди.

Танлов ғолиблари ва иштирокчиларига вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М. Жуманиёзов қимматбаҳо совғалар топширди. Шунингдек, бошқарма «Йил ўқитувчиси-98» вилоят танлов қатнашчиларининг ижодкорлигини инобатга олиб, ҳозирги тоифасига яна бир тоифа қўшиш, бир ойлик миқдорда мукофотлаш, уларнинг ишларини вилоятда оммалаштириш ва Узбекистон халқ таълими аълочиси нишонига тавсия этишга қарор қилди.

Н. ОЧИЛОВ

Saxovat

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Паркент туманида 40 та мактаб бор. Мактаб ўқувчиларини озиқ-овқат билан туман матлубот ҳиссадорлик жамиятига қарашли умумий овқатланиш корхонаси таъминлаб келади. Ҳиссадорлик жамияти жамоаси Оила йилида хайрли ишга қўл урдилар. Улар Паркент шаҳар марказида жойлашган 1-ўрта мактабнинг 1-4-синф ўқувчиларига бепул нонушта ташкил қилишди. Бепул нонушта қилувчилар сони 262 нафарни ташкил қилади. Бундай ибратли ишни ҳозирча Сайфиддин ака Йўлдошев бошлиқ матлуботчилар бошлаб беришди.

Келажакда бундай хайрли ишлар оммалаштирилади ва ҳар бир мактабнинг ўз оталиқ ташкилоти бўлади. Матлуботчилар бошланғич синф ўқувчиларини фақат ўқув йили давомидагина эмас, балки ёзги уч ойлик таътил кунларида ҳам озиқ-овқат билан таъминлаб туришни режалаштиришган.

— Ёз ойларида ҳар бир сменада 100 нафардан, жами 300 ўқувчи дам олади, — дейди 1-ўрта мактаб директори Тоҳир Абдуғаффоров. — Бундай ғамхўрликдан, айниқса, ота-оналар хурсанд бўлишди.

Дарҳақиқат, яқинда ўтказилган жамоа йиғилишида бундай хайрли иш ҳокимият томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Шунингдек, ота-оналар, мактаб ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоаси туман матлубот ҳиссадорлик жамияти ва касаба уюшма қўмитасига ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдиришди.

— Албатта, бундай ибратли иш болаларнинг соғлом ўсишлари учун катта ғамхўрликдир, — деди мактабнинг олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Раҳима опа Расулова. — Буларнинг ҳаммаси биз ўқитувчилар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди, фаолроқ ишлашга чорлайди. Зеро, ҳар бир соҳадаги ташаббус ва дадиллик ютуқлар гаровидир.

Х. МИРЗАКАРИМОВ

Yaxshilar oramizda

«ОТА-ОНАМНИ ИЛК УСТОЗЛАРИМ ДЕБ БИЛАМАН»

Бу исми шарифи кўпчилигингизга таниш бўлган, газетамизнинг фаол жамоатчи мухбирларидан бири Шуҳратбек Келдиевнинг сўзлари. Дарҳақиқат, Шуҳратбек аканинг фахрланиб айтганича бор. У киши 1948 йилда Андижон шаҳрида зиёли оиласида дунёга келди. Отаси Тўхтамиш Келдиев вилоят халқ таълимининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган инсонлардан бири эди. Андижонлик жуда кўп ўқитувчилар раҳматли Тўхтамиш аканинг вилоят педагогика институтида берган сабоқларини яхши хотирлашади.

Шуҳратбек аканинг онаси Рашидахон Келдиева ҳам таълим тизимида 50 йил самарали меҳнат қилган ажойиб инсон, халқ таълими фидойиси эди. Мана шундай зиёли хонадоннинг фарзандлари ҳам улғайиб зиёлилар сафига қўшилишди. Ш. Келдиев 1966 йилдан 1971 йилга қадар Андижон Давлат педагогика институтида таҳсил олиб, вилоят ёш табиатшунослар марказида тўгарак раҳбари бўлиб иш бошлади.

Мана, 28 йилдирки, Шуҳратбек ака таълим тизимида фаолият юритиш билан бирга, ушбу газетада ҳам долзарб хабарлари ва мақолалари билан қатнашиб келади. Агар таҳририятга йил давомида келган хатлар жамланиб сараланса, уларнинг салмоқли қисмини Шуҳратбек Келдиев жўнатган мактублар эгалласа, ажабмас. Ана шундай «кўп ва хўб» ёзадиган жамоатчи мухбиримиз Шуҳратбек ака бу йил 50 ёшга тўлибдилар. Фаол маорифчи ва матбуот фидойиси бўлмиш бу инсонга хатлар оқимининг бундан сўнг ҳам сусаймаслигини тилаймиз.

И. БЎРИБОЕВ

Мавлуда Шамсиева, мана 25 йилдирки, Самарқанд шаҳридаги 7-ўрта мактабда ёшларга рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келади. Олий тоифали муаллима ўзининг тинимсиз меҳнатлари самараси ўлароқ, 2-даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори бўлган.

Суратда: Мавлуда Шамсиева (чапда) ва шогирди Нигора Оқиловаларни кўриб турибсиз.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

ЯНГИ КУРС

Ўқитувчилар билим савиясини ошириш ва такомиллаштириш бугунги қуннинг долзарб масалаларидан биридир. Буни яхши тушунган Бухоро шаҳар халқ таълими бўлимининг услубшунослари ВПХМОИ раҳбарлари билан биргаликда ҳаракатдаги курслар ташкил этдилар.

Иқтисодиёт, ҳуқуқ ва одобнома фанлари бўйича ташкил этилган курс ҳафтанинг ҳар чоршанба кунлари шаҳардаги 1-мактаб олдида иш бошламоқда. Курс раҳбари К. Умиров бошчилигида шаҳар мактабларининг иқтисод ва ҳуқуқшунослик фани муаллимлари ҳозирги долзарб мавзулар асосида тайёрланган машғулотларни тингламоқдалар.

Ж. ИСМОИЛОВ

Taqriz

ТИНИҚ ТАСАВВУРЛАР ИФОДАСИ

Маълумки, ҳар қандай бадиий асарда ёзувчининг «мен»и яширинган бўлади, шахсий ҳаётидаги руҳий-маънавий эврилишлар ва ижтимоий турмушдаги ўзгаришлар ўз ифодасини топади. Бадиий асар таҳлили ва талқинида бу омилларни инобатга олмаслик ноўрин хулосаларга олиб келиши мумкин. Бундай «илмий талқин»ларга яқин ўтмишимиздан истаганча мисол топилади. Зеро, бадиий асар ҳис этилиши, тушунилиши ва англаниши лозим. Айни пайтда ўқувчиларга бадиий асар ва унинг муаллифи ҳақида қуруқ, зерикарли мақтов баённомаларини тақдим этгандан кўра, ижод ва ижодкор оламини чуқур тушуниб, фикр-мулоҳазалари ишончли далиллар асосида берилган илмий мақола ёки рисолани тақдим этиш ўринлидир. Шу маънода иқтидорли адабиётшунос Дилмурод Қуроновнинг «Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси» (Тошкент, «Ўқитувчи», 1997) китобчаси эътиборлидир.

Ҳозиргача ўзбек олимларининг Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган бир қанча мақола ва рисолалари чиқди. Д. Қуронов рисоласини ўқиб туриб, ҳар бир авлод шоирни ва унинг шеърларини ўзича англаб, ўзича таҳлил ва талқин этишига амин бўламиз. Тадқиқотчи «Чўлпоннинг ҳаёт йўли» борасида мулоҳаза юритаркан, шоир ҳаётига оид саналарни хронологик тарзда эмас, балки асарлари билан ёнма-ён қўйиб изоҳлайди. Натижада мураккаб муҳитда шаклланган ижодкор маънавиятидаги ўзгаришлар силсиласини китобхон кўз олдида намоён этади.

Тадқиқотчи жадидча кайфиятда адабиёт майдонига кириб келган шоирнинг аср бошида Туркистон мухторияти, Фарғонада бошланган миллий-озодлик ҳаракати, Бухоро билан боғлиқ орзуларининг саробга айланганини ва шундан кейинги воқеаларга умидли-умидсиз муносабатларини анча мантиқли, изчил ёритади. Чўлпон таржимаи ҳолига тегишли айрим нуқталарга аниқлик киритади. Адабиётшуносларимиз В. Ян хотираларига таяниб, ота билан ўғил ўртасида зиддият бўлганини таъкидлаб келишади. Д. Қуронов бу фактга иштибоҳ билдиради, аниқроғи, тасдиқламайди. Аксинча, ўша 1914-1915 йилларда улар ўртасида маслакдошлик, руҳий яқинлик бўлганини исботлашга интилади ва бунга ўқувчини ишонтиради. «Оталар ва болалар муаммоси» ҳар қандай оилада юзага келиши мумкинлигини эътиборидан қочирмаган қолда бир асосли мулоҳазани ўртага ташлайди: «Чўлпон В. Ян билан суҳбатлашган давр — 30-йилларда вазият анча қалтис эди. Шундай бир шароитда Чўлпон ўзига «замонабоп биография» тўқиган бўлиши эҳтимол».

Китобчанинг «Чўлпон шеърияти ҳақида қайдлар», «Кеча ва кундуз» ҳақида» бўлимларида ҳам адабиётшуноснинг ўзига хос қарашларини кўриш мумкин. Истиқлол, эрк, миллий-озодлик дарди Чўлпон шеърлари ва насрий асарларининг мағзини ташкил этади. Бу ғоя ифодаси учун эса адиб турли-туман шакл ва бадиий тасвир воситаларини қўллайди. Айни жиҳатлар уйғунлигидан вужудга келган шоир поэтик оламини тадқиқотчи жуда нозик ҳис қилади. Хусусан, шеърлардаги самимият, вазн ва тароқ, арузга тушиш-тушмаслик ҳодисаси ритмик оҳангни юзага келтирувчи унсурлар — барча-барчасига жиддий эътибор беради. Шоир сув ичган чашмаларга диққатни қаратиб, характерли омилларни асосан тўғри кўрсатади. Аммо бир ўринда «Гўзал» шеъри муносабати билан, Чўлпон бу шеърни ёзишда Қуръони каримдаги «Анъом» сурасидан таъсирланган, деган мазмунда фикр билдирадики, тўғриси, бу бизга бир оз эриш, асоссиздек туюлди.

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи тугалланмагани сабабидан адабиётшунослар орасида бош қаҳрамон масаласида баҳслар бўлди. Баъзи адабиётчилар Зебини бош қаҳрамон деса, Д. Қуронов тобора ижтимоий-сиёсий фикри теранлашиб бораётган, «ижтимоий ҳаракат бўсағасида» турган ва ниҳоят «Кундуз»да марказий ўринни эгалловчи Мирёқубни бош қаҳрамон, деб ҳисоблайди. Демак, муаллиф бу масалада ҳам ўз фикрига эга. У романдаги образлар тизимини моддийлаштириб, Қуёш системасига ўхшатар экан, шундай ёзади: «Кеча»даги образлар тизимининг шаклланиши, бизнингча, Қуёш системасига менгзаган ҳолда тушуниш қулайроқ, Қуёш системаси марказида Қуёшнинг ўзи туриши ҳамда ўз атрофидаги сайёралару уларнинг тўғрасидаги йўлдошларнинг жойлашишию ҳаракатини белгилаши сизга маълум. Шунга ўхшаш, «Кеча»даги образлар тизими марказида ҳам ўз қарашларини ифодаламоқчи бўлаётган шахс — муаллиф туради. Маълумки, сайёралар Қуёшнинг ва ўзларининг тортиш кучлари нисбатига, катта-кичиклигига боғлиқ ҳолда Қуёш атрофида жойлашадилар, муайян доирада айланадилар. Бизнингча, «Кеча»нинг етакчи қаҳрамонлари ҳам шунга монанд жойлашадилар: «Қуёш»га энг яқин сайёра — Зеби, кейин — Акбарали, кейин — Мирёқуб. Маълумки, катта сайёралар Қуёшдан узоқ жойлашадилар, тортиш кучларининг катталигидан улар тизимдаги бошқа унсурларнинг жойлашишию ҳаракатини белгилашда, тизимнинг мувозанатини сақлашда муҳим аҳамиятга эгадирлар. Шунга ўхшаш, Мирёқуб образи ҳам Акбаралининг ва Зебининг тақдирини белгилашда жиддий ўрин тутади. Айни пайтда, энг четдаги «орбита»да ҳаракат қилгани учун ҳам образлар тизимининг бутунлигини таъминлашда етакчилик қилади».

Аввало шуни айтиш керакки, бу баҳоят ўринли, муваффақиятли ўхшатишдир. Иккинчидан, адабиётшуноснинг фикр доираси кенглигидан далолат. Учинчидан, бу ўринда асосий урғу Мирёқубга қаратилгани аниқ билиниб турибди.

Дилмурод Қуронов Чўлпон насрини чуқур ҳис қилади, ички манерани теран англайди ва қаҳрамонлар борлиғи, умуман, роман моҳиятини тиниқ тасаввур этади. «Ўқитувчи» нашриёти тақдим этган «Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси» рисоласи, адашмасак, ўша тиниқ тасаввурларнинг мўъжаз ифодасидир.

Баҳодир КАРИМ,
ТошДУ докторанти

ХАЛҚАРО МАКТАБ

Филология (инглиз тили) фанлари доктори Нэнси Гримвуд хоним Тошкентдаги халқаро мактабда хизмат қилади. У мазкур илм даргоҳининг ўқув жараёни бўйича координатори. Тўладан келган, қошлари пиликдек, юзкўзида фақат инглиз аёлларига хос жозиба акс этган бу аёл бизга мактаб ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Мен ишлаётган бу мактаб бундан тўрт йил муқаддам очилган. Унга шаҳар марказидан жой ажратилганлиги ўзбеклар меҳмондўстлиги намунаси десам адашмайман.

— Мактабингизда кимлар ўқийди?

— Биласизки, ҳозирги вақтда Ўзбекистон дунёнинг жуда кўпгина давлатлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатган. Тошкент шаҳрида бу давлатларнинг элчихона ва ваколатхоналари бор. Биз бу ерни бежизга халқаро мактаб деб атамаганмиз. Таълим даргоҳимизда мазкур элчихона ходимларининг фарзандлари билим олишади.

— Ўқув жараёни, албатта, инглиз тилида олиб борилса керак?

— Фикрингиз тўғри. Инглиз тили жаҳон миқёсида барча халқлар учун ягона алоқа воситаси экан, турли миллатга мансуб ўқувчиларимиз ҳам бу тилни бажонидил ўрганишади. Инглиз, француз, ҳинд, эрон, япон, корейс, турк, ўзбек, рус миллатига мансуб ўғил-қизларга америкалик ўқитувчилар дарс беришади.

— Демак, ўқув дастурлари ва дарсликлар ҳам Америкадан келтирилган бўлса керак!

— Албатта, Биз Ўзбекистонда яшаб, шу ернинг муҳитига ўрганган бўлсак-да, ўз юртимиздаги мактабларга хос шароитни вужудга келтирганмиз. Дастур ва дарсликлар ҳам ўзимизники. Ўқиш бир сменалик. Синфларимиз сони эса 12 та.

— Эшитишимизча, бу ерда ўқиш пуллик. Бу ўқувчиларнинг ота-оналарига қийинчилик туғдирмайдими?

— Ҳа, гапингиз тўғри. Ҳар бир ўқувчи бир ўқув йили учун 8 минг доллар миқдорида мактаб ҳисобига пул тўлаб қўйиши керак. Сиз таъкидлаганингиздек, бу маблағ ота-оналарга мушкуллик туғдириши аниқ. Лекин мактабимизнинг ҳомийлари анча. Буларга «Кока-Кола» компанияси, «ЎзДЭУ» қўшма корхоналарини мисол келтиришимиз мумкин.

— Ўзбекистон ҳақида қандай фикрдасиз?

— Бу ерда учинчи йил яшашимиз. Маҳаллада, ўзбеклар орасидамиз, дача ҳам сотиб олганмиз. Ўзбекистон бизга жуда ёқиб қолди. Балки шартномамиз муддатини узайтирармиз. Афсуски, мактабимизда ўзбекларнинг фарзандлари жуда кам. Биз уларнинг ҳам кўпроқ бўлишини истардик.

Гримвуд хонимнинг фикрларини ўзбекчага таржима қилиб берган мактаб маъмурияти ассистенти Иззатулла Мусаев билан синфхоналарни айландик. Шуниси қизиқки, ўқувчилар бу ерда ҳаддан ташқари эркин.

Инглиз тилидаги ранг-баранг китоблар ўқувчилар учун бой олам.

Суҳбатдошларимнинг таъкидлашига қараганда, яқин йилларда мактабнинг янги биноси қурилмоқчи.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА

ҲАМКОРЛИККА ТАЯНИБ

Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманида «Давлат, оила ва мактаб ҳамкорлигидаги тарбия масалалари» мавзусида вилоят илмий-амалий кенгаши бўлиб ўтди. Унда олимлар, малака ошириш институти ходимлари, ўқитувчилар қатнашдилар. Йиғилишда маърифат ва маънавият тарғиботи, тарбиянинг турли кўринишларига оид маърузалар тингланди, ўқувчилар томонидан тайёрланган «Қариси бор уйнинг фариштаси бор» номли бадиий саҳна асарлари тўпланганларни беэътибор қолдирмади. Муҳими, бу ерда муаллимлар фикр алмашдилар ҳамда тарбиявий дарсларга оид янгиликлардан бохабар бўлдилар.

Мухбиримиз

Ko'ngil bitiklari

АРМОН ВА АЛАМ

Мактаб ўқувчилари учун махсус тикилган кийим кийиб, сочига попук тақиб олган 6—7-синф ўқувчиси. Бу мен...

Урчуқ билан жун йигираётган, ўзининг таъбири билан айтганда саксондан ошиб, ҳалводек пишиб қолган момомга тегишаман:

— Нимага ҳадеб «Худога шукр» деяверасиз. Мактабда бизга «Худо йўқ» деб айтишган. Худо йўқ, билдингизми?

— Астағфурулло! Товба дегин болам, товба дегин!

Ўзимнинг ақллилигим, билимдонлигим билан момомни лол қолдиргим келади.

— Момо, Амир Темур кимлигини биласизми? Темур каллакесар, жоҳил, босқинчи бўлган.

...Орадан йиллар ўтди. Ўша донолигим, зукколигим, бугун қалбимни ханжардай тилади. Эҳ, биз етмишинчи йил авлодлари, савоб, гуноҳ туйғулари қалбимизга ташриф буюрмасдан туриб беаёв заҳарлашди. Бугун ўша оғу бутун борлиғимда оғриқли дард, армон ва алам бўлиб жисмимни кемираяпти.

Дардим йиғлар қалбимда оғриқ,
Дунёлар тор, сиғмайман Эгам.
Заҳар сочар танамда толиқ,
Бўҳтонларга чидамас тоғ ҳам.

Моможоним йигиравер ип,
Ипинг каби савоб узундир.
Ақллиман, дономан мен деб,
Бугун менинг қалбим фузундир.

Юксак тоғлар қорлар ёққанда,
Оппоқман деб майли жар солинг.
Кўклам келиб безак таққанда,
Баҳор бўлиб қалбларда қолинг.

Азим чинор юксалавергин,
Ёмон сенинг қалбинг тилмаган,
Мағрурона алп туравергин,
Ғафлат сенинг эркинг олмаган.

Яраланган дилимга боққин,
Сендай бўлсам армон қолмагай.

Дардим оғир, оғриқ чўғида,
Дош беролмай синади қалам,
Қаламимнинг ўткир тиғида
Яралмоқда армон ва алам.

Машҳура ОРИПОВА,
Қарши туманидаги 43-мактаб ўқитувчиси

СЎРОВ

Қирчиллама ёшингда,
Не савдолар бошингда.
Оёғинг тойди нечун,
Биров йўқ-ку қошингда.

Чимирилди қошларинг,
Эгик тилло бошларинг.
Қалбимни яралади,
Унсиз тўккан ёшларинг.

Кўриб аччиқ холингни,
Ногирон мажолингни,
Тилларим қотиб қолди,
Сўролмай аҳволингни.

Ўт чақнарди кўзингдан,
Нур ёғарди юзингдан.
Не фалокат рўй берди,
Гап ўтдими ўзингдан?

Қадди-қоматинг кўтар,
Ё насиб! Бу кун ўтар.
Ағёрларинг кулмасин,
Бўл дея бундан баттар.

Йиқилиб қолдинг дўстим,
Хаёлга толдинг суст, жим.
Сочингга тушмиш қиров,
Юрагим оғрир сим-сим.

Ўроқ РАВШАН,
ўқитувчи

Mulohaza

МАКТАБ ВА МИЛЛИЙ ЭСТРАДА

Мустақиллик шарофати туфайли санъатимиз, маданиятимиз ҳам ўз миллий йўналиши бўйича кундан-кун тараққий этиб, санъат ҳамда маданиятда миллий қадриятларимиз ўзбекона йўсинда жилоланиб, бойиб, жадал ривожланиб бораётганлигини чексиз мамнуният билан қайд этмоқ жоиздир. Маданият ва санъат олдига қўйилган замон талаби, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган моддий-маънавий омиллар келажакда миллий маданият ва санъатимизни юксакликка олиб чиқиш, жаҳон бўйлаб яна ҳам нуфузли даражага кўтариш кўзда тутилаётганлиги ҳар бир маданият, санъат ходими, айниқса ҳар бир ижодкор учун ғоят масъулиятли вазифалар юклайди. Шунинг учун ҳам халқ таълими тизимида маданият ва санъат соҳасидаги мусиқий таълимни келажакда ўзбек миллий маданияти ва санъатининг буюклигига эришиш учун асосий таъсирчан қадамлар десак, ҳақиқатдир.

Маълумки, айни замонда санъатнинг эстрада жанри кенг қулоч ёйиб, оммавий тарзда ривожланиб бормоқда. Ўзбек эстрада жанри тарихига назар солсак, уни бизгача миллий тарзда етказиб берган ва шу соҳага асос солган Ўзбекистон халқ артисти, марҳум Ботир Зокиров ижоди, унинг ўчмас қўшиқлари биз учун мерос ва андоза бўлиб қолганлигини тан оламиз. Унинг содда, жарангдор ва жозибали «Тошкент», «Кел», «Раъно» каби қатор қўшиқлари ҳануз миллий эстрадамиз саҳнасининг тўридан жой олиб янграмоқда.

Энди асосий мақсадга кўчиб, мактаб миллий эстрадасини янада ривожлантириш, ёш миллий эстрада хонанда ва созандаларини тайёрлаш ҳақида фикрлашсак. Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбек миллий эстрадасининг айрим ижролари Россия эстрадасидан фарқ қилмаяпти», дея қуйинганича бор. Бу сўз бизга ўзбек миллий эстрада жанрини янада миллий мусиқа оҳанглари, ўзбек халқ ижодиётининг мероси ҳамда янги ижодий манбаларини чуқур ўрганиш, содда, тушунарли, халқ қалбига сингиб қоладиган жозибали қўшиқ ва оҳангларни ўзбек миллий эстрадаси саҳнасида намоён этишдек шарафли, улкан вазифаларни юклайди. Бу борада истеъдодли бастакорлар — Ш. Ёрматов, Д. Омонуллаева, О. Абдулаев кабилар катта ижодкорлик ишларини олиб боришмоқда. Аммо, маҳаллий шоир, бастакорлар ўз ижодларини вилоятлар, туманлар ва сабоқ бераётган мактабларидан ташқарига тарғиб қилиш учун интилмаётгандек туюлади. Мактаб — бу келажак ҳаёт замини. Демак, ўзбек миллий эстрадасини юксак даражага кўтаришда асосий таянч ҳисобланади.

Мактабларда «Санъат байрами» кўрик-танлови ўтказилишидан асосий мақсад, бўлажак санъаткорларни танлаб олиш ҳамда уларни тарбиялаб, замон руҳи, талаби асосидаги санъат йўлига йўналтиришдир. Ҳар бир мусиқа ўқитувчиси ўзи ижодкорлик билан шуғулланиши, ижодкор ёшлар — болалар кўнглига йўл топа билиши, болани миллий санъатимиз руҳияти билан таништириб, унда миллий санъатимизга нисбатан ҳурмат ва меҳр-муҳаббат уйғота билиши энг катта ютуқдир. Шунда бола миллий эстрада ва санъатни қадрлайди, тақлидчиликдан йироқлашади.

Иккинчи томони шуки, республикамиз ҳудудидаги мактабларда мусиқа дарслари ва тўгаракларини мутахассис ўқитувчилар олиб боришади. Замон талабидан келиб чиқиб, улар ўз ижодларини болалар ижоди билан узлуксиз боғлаб, ижодий изланишлар олиб борсалар, ўзбек миллий эстрадасининг болалар ижроси учун мўлжалланган бобларини бойитсалар бу соҳа ривожланиб, яна ҳам юқори нуфузга эга бўлиши турган гап.

Ўйлаймизки, бу борада республика Композиторлар уюшмасининг болалар бўлими, Халқ таълими вазирлигининг услубчилари ўқув қўлланмалари, тавсияномалар билан мактаб мусиқа ўқитувчиларига яқиндан ёрдам кўрсатадилар. Шунингдек, мактаблар, туманлар, вилоятлардаги болалар миллий эстрадаси билан шуғулланувчи ижодкор ва бастакорлар ўз ижодий намуналарини қўлланмалар, матбуот ҳамда радио, телевидение орқали тарғибот қилиб, мактабларда соф, ўзбек миллий эстрада жанрини оммалаштириш, ривожлантириш ишларида шижоат ва ғайрат кўрсатадилар.

Мирзо ҲАЙДАРОВ,
Пахтаобод туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси

Xullas...

БИЛИБ ТУРИБ...

Қозондаги Зайцев кўчасида жойлашган 10-ўй куппа-кундуз куни кучли портлашдан титраб кетди... Ҳарбий машғулотлар ўтказиляптимикан, деб ўйлашди кишилар.

Лекин гап бошқа ёқда эди.

Слесарь техник ишларни амалга ошираётган вақтда ертўлада қувурлар орасига эҳтиёткорона жойлаштирилган ғалати нарсани топиб олди. У ҳарбий хизматга борган эмасми, бунинг портловчи граната эканлигини дарҳол англади. Собиқ солдат қизиқиб, унинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди. Шу заҳоти қулоқни батанг қиладиган портлаш эшитилди. Слесарнинг оёғи жароҳатланди ва юзи куйиб кетди. Билиб туриб қилинган фожиага унинг ўзи «сабабчи»... Тинчгина ўз иши билан шуғулланганда бу кўргулик бўлмасди-да.

КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ТИКЛАЙДИ

«Минерал» илмий-ўқув лабораторияси тадқиқотчилари ёқутистонлик ҳамкорлари билан дунёда илк маротаба кўз учун биллур қоплама яратишди. Украинада эса ана шу асбобни синаб кўриш мақсадида операция ўтказилган. Жаҳон табобатида бу мисли кўрилмаган янгилик бўлиб, кўриш қобилиятини тиклашга ёрдам беради. Кўз гавҳарлари хиралашган бемор операциядан сўнг уч кун ўтиб, ана шу қоплама ёрдамида кўриш қобилиятини буткул тиклади.

Олимлар бунга кенгроқ ишонч ҳосил қилиш мақсадида Ёқутистонда ўз тажрибаларини давом эттиришмоқчи...

ИЧИБ РУЛГА ЎТИРГАН ЭДИ...

Латвиянинг Сейм шаҳри ҳокими Айтар Йиргенс ўз ихтиёри билан истеъфога чиқиши ҳақида ариза берган. Сиёсатчи жарима тўлаган. Нега деганда, у ичиб олиб рулга ўтирган ва машинасини дарахтга уриб олган. Кайф касалхонага тушиш билан тугади.

Парламент унинг талабини қондирди...

Ана шу воқеа муносабати билан ҳукумат аъзолари парламент қаҳвахонасида спиртли ичимликлар мутлақо сотилмаслигини талаб қилишди. Агар амалга ошса, оқилона иш, шундай эмасми?

ana shunaqa gaplar

Sport maydoncha si

БИЛЛУР СОВРИН УЧУН БАҲСЛАР

Шу ҳафтада Ўзбекистон кубоги учун 1/8 финал босқичи ўйинлари бошланди. Унда «Навбаҳор» — «Орол» — 5:0, «Дўстлик» — «Хива» — 3:0, «Пахтакор» — «Лочин» — 9:1, «Трактор» — «Самарқанд» — 2:1, «Бухоро» — «Тўқимачи» — 6:0, «Нефтчи» — «Шаҳрихон» — 5:0, «Темирйўлчи» — «Сўғдиёна» — 3:4, «Насаф» — «Шўрчи» — 3:0 ҳисобида рақамлар қайд қилинди. Кейинги ҳафта 1/4 финал ўйинларига қуръа ташланади.

МЕЗБОНЛАР ҒАЛАБАСИ

Наманганнинг Давлатобод туманида Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари футбол мактаб интернатлари ўқувчилари ўртасида республика биринчилигининг минтақавий баҳслари бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада наманганлик ёш футболчилар финал босқичига йўлланма олишди, улар сафидаги Ёқубжон Аҳмедов эса, мазкур баҳсларнинг энг яхши ўйинчиси деб топилди.

БЎКАДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Бу ерда пойтахт футбол фахрийларининг «Тонг» ҳамда вилоят фахрийлари терма жамоалари ўртасида 5:4 ҳисобида қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. «Тонг»нинг ҳужумчиси, республикада хизмат кўрсаттан артист Козим Қаюмов ижросидаги қўшиқлар, шунингдек Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан тумандаги болалар уйи тарбияланувчиларига совға этилган футбол тўплари, спорт анжомлари ва кийим-кечаклар комплекти байрамга алоҳида файз киритди.

БАҒДОДДА САРАЛАШ УЧРАШУВЛАРИ

Шу кунлари Ироқнинг пойтахтида ёшлар терма жамоалари ўртасидаги 31-Осиё чемпионати саралаш учрашувлари ўтказилмоқда. Ҳамюртларимиз дастлабки баҳсларни Туркманистон ва Шимолий Корея терма жамоалари билан ўтказиб, ҳар иккита учрашувда ҳам 1:1 ҳисобида дуранг натижага эришишди. Саралаш ўйинлари давом этмоқда.

СЕРМАҲСУЛ ТЎПУРАРЛАР

Футбол бўйича мамлакатимиз чемпионатининг 12-тур ўйинлари якунидан сўнг «сермаҳсул» тўпуарлар аниқланди:

Миржалол Қосимов («Пахтакор») — 9
Алексей Жданов («Сўтдиёна») — 8
Шуҳрат Шамсиев («Нефтчи») — 7
Равшан Дўрмонов («Сурхон») — 7
Азамат Абдурайимов («Пахтакор») — 6
Рустам Асқаров («Сурхон») — 6
Ҳусниддин Мирҳамидов («Трактор») — 6

УСТОЗЛАР ҚАЛБИМИЗДА

Яқинда Қушработ туманидаги 28-ўрта мактабда марҳум устоз ўқитувчиларнинг хотирасига бағишланган футбол, волейбол бўйича турнир бўлиб ўтди. Мактабда узоқ йиллар директор бўлиб ишлаб, 28-ўрта мактабни туман, вилоят миқёсида илғор мактаблар қаторига қўшган Тошбой Уролов, кўп йиллар илмий бўлим мудири бўлиб ишлаган устоз муаллим Бекпулат Мадатов, қирқ йилдан ортиқ жажжи болажонларга алифбо сабоқларини ўргатган бошлангич синф ўқитувчиси Райим Ҳайитов, рус тилидан ёшларга кўп йиллар сабоқ берган ҳамда мактабнинг барча жамоат ишларида фаол қатнашган истеъдодли мураббий Муҳаммад Мардиевлар кўпчилик томонидан ёдга олинди. Марҳумлар хотираси учун бир дақиқа сукут сақладилар. Уларнинг ҳаёт йўллари ҳақида нафақахўр ўқитувчи К. Суннатов, мактаб илмий бўлим мудири У. Ёдгоровлар маъруза қилдилар. Спорт мусобақасини бошлаш рамзи сифатида байроқ кўтарилди. Мусобақада Урганжи маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли қишлоқ ва шу мактаб жамоасидан ташкил топган командалар иштирок этдилар.

Уч кун давом этган бу турнир бутун маҳалла аҳолиси томонидан зўр қизиқиш билан томоша қилинди. Бу савобли ишга маҳалла раиси С. Пардаев, мактаб ёшлар уюшмаси раҳбарлари Р. Ҳўжанов, Т. Ялғашевлар бош-қош бўлдилар. Турнирда «Урта қишлоқ», «Янги ҳаёт», мактабнинг «Маънавият», касалхонанинг «Шифокор» командалари совринли ўринларни эгалладилар. Айниқса, мактаб ўқитувчиларидан О. Нарзиев, А. Душанов, Ё. Эрмонов, ҳўжалик ишчиларидан Р. Равшанов, Ф. Фармонов, шифокорлардан О. Унабоев, В. Нишоновлар жонбозлик кўрсатдилар. Турнир ғолиблари ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар ҳадя этилди. Турнир унинг ташкилотчи ва иштирокчиларига марҳумларнинг оила аъзолари томонидан билдирилган миннатдорчилик сўзлари билан якунланди.

Холбой МАРДИЕВ,
Қўшработ туманидаги 28-ўрта мактабнинг олий тоифали математика ўқитувчиси



«ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Энига: 5. Жаҳон футбол чемпионатининг энг биринчи ўйини бўлиб ўтган Монтеведеодаги стадион. 6. XVI чемпионат ўйинларида иштирок этувчи Африка қитъаси мамлакати. 7. Ўйин майдони қисми. 10. Франция терма командаси ярим ҳимоячиси. 11. Футбол соврини. 14. Халқаро футбол федерациясига асос солинган шаҳар. 15. Камерун терма командасининг ўзига хос, моҳир ўйинчиси. 18. XII жаҳон чемпионати бўлиб ўтган мамлакат пойтахти. 19. Жаҳон футбол чемпионатининг 1300-тўпини киритган инглиз футболчиси. 20. Чемпионат ўйинларида кўп бор қатнашган Италия терма командаси аъзоларидан бири.

Бўйига: 1. АҚШда бўлиб ўтган чемпионат тўпурари. 2. 1930 йилда жаҳон футбол чемпионатининг биринчи голини киритган француз футболчиси. 3. Футбол ўйинини бошқариб борувчи. 4. Руминия терма командасининг XV чемпионатдаги тўпурари. 8. «Франция-98» чемпионати иштирокчиси, Осиё қитъаси мамлакати. 9. Голландия терма командаси ҳужумчиси, «Олтин тўп» совриндори. 12. Собиқ Иттифоқ терма жамоасини бошқарган таниқли футбол мураббийси. 13. «Ювентус» командасининг 80-йиллардаги юлдузи, «Олтин тўп»нинг бир неча бор совриндори. 16. Терма команда таркибида энг кўп тўп сурган Германия футболчиларидан бири. 17. Сунгги, ҳал қилувчи футбол ўйини.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Булоқбоши туманидаги 21-ўрта мактабда мураббий устоз, II жаҳон уруши қатнашчиси, география фани ўқитувчиси, марҳум Шарифжон Мирзоқулов хотирасига бағишланган волейбол бўйича мусобақа ўтказилди. Бу хотира турнирида тумандаги 13 та мактабнинг командалари, қўшни туманлардан: Ҳўжаобод, Марҳамат туманлари, Асака шаҳри, қўшни Қирғизистон Республикасининг Аравон тумани командалари иштирок этдилар.

Мусобақа уч кун давом этди. Унда Булоқбоши туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийлари биринчи ўринни, Булоқбоши туманидаги 3-ўрта мактаб иккинчи ўринни, яна шу тумандаги 19-ўрта мактаб командаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиблар Булоқбоши туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими ходимлари касаба уюшма қўмитаси, туман «Камолот» жамғармаси, тумандаги Бакир Ражапов номли жамоа хўжалигининг қимматбаҳо, эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Шуҳратбек КЕЛДИЕВ

ЭЪЛОН

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети қошидаги «АЛОҚА-БИЛИМ» ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАРКАЗИ:

1. Ўзбек, инглиз, рус, немис, француз тиллари; лотин алифбоси ва бошқалар бўйича ўқитади.
2. Олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлайди.
3. Компьютер сабоқларини ўрганиш бўйича курсларни ташкил қилади.

Ўқишга бошқа шаҳардан келганлар ётоқхонадан жой билан таъминланадилар.

Қўшимча маълумотларни 46-65-14 телефони орқали олиш мумкин.

МАНЗИЛГОҲ: Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, Фаробий кўчаси, 40.

Qutlov

Қадрли ва муҳтарам ҳамкасбимиз, азиз устоз Шаҳром ФАЙЗИБОЕВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз, табаррук 60 ёшингиз билан самимий қутлаймиз. Ҳамиша Сизни бугунгидек бардам, бақувват, соғ-саломат кўрайлик. Қарилик гаштини невара-чевералар ардоғида суринг!

Сизга ҳурмат билан: Янгийўл тумани халқ таълими бўлими жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САЙДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Рустам БОЙМАТОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-098. Тиражи 43.795. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.30. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6

«Халқ таълими» журнали таҳририяти журнал масъул котиби Абдужалил Ҳўжамовга онаси Гулабза ТЎХТАБОЙ қизи вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.